



Adolat

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-siyosiy va huquqiy gazetasi

1995 yil 22 fevraldan chiqa boshlagan 2002 yil 15 noyabr juma № 46 (385) sotuvda erkin narxda

Ўзбекистон — Польша:

САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК

Тошкентдаги «Шератон» меҳмонхонасида Польша мустақиллиги кўнига бағишланган дипломатик қабул ўтказилди. Қабул Польшанинг Ўзбекистондаги Фавкулда ва Мухтор элчиси Зенон Кухчак томонидан уюштирилди.

Мамлакатимиз ўзининг энг улуг байрами — мустақиллик кўнини зур тантан билан нишонлади, — деди Польша республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси иккинчи котиби Михал Лабенда. — Ушбу байрам биринчи жаҳон уруши жангдорларидан ҳарбий ҳаракатлар тўхтатилган 1918 йилнинг 11 ноябига тўғри келиб, бу сана Польша давлатчилиги тикланган кун ҳисобланади. Польша 123 йил Европа сиёсий ҳаритасидан ўчирилган, 1918 йилда поляклар ўз мустақил давлатларини тиклашга муваффақ бўлишди. Давлатчиликнинг воясига етган уруш бериш мақсадида улар янги давлат иккинчи Реч Посполита (Реч Посполита — поляк тилида республикани билдиради) деб номланиши лозим, дея қарор қилишди. Йилгирма йиллик мустақил ривожланиш жараёнида

Ўзбекистон — Польша дўстлик жамиятининг раиси Сайёра Рашидова ҳамда Польшанинг мамлакатимиздаги Фавкулда ва Мухтор элчиси Зенон Кухчак иштирок этди.

Шу йил октябр ойининг охирида Польша Президенти Александер Квасневский Ўзбекистонга ташриф буюрганди. Музокаралар якунига кўра Ўзбекистон ва Польша президентлари томонидан Кўша комиссияси ташкил этилди. Бундан ташқари, уюшган жамиятчиликка қарши курашиш ва қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлараро Битим, шунингдек, Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тadbirkорлар палатаси ва Польша хўжалик палатаси ўртасида битим, Ўзбекистон Давлат Мулки қўмитаси ва Польша тadbirkорлиги ривожлантириш давлат агентлиги, Чет эл сармоялари бўйича Ўзбекистон агентлиги ва Чет эл сармоялари бўйича Польша давлат агентлиги ўртасида ўзаро ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик тўғрисида меморандумлар имзоланди.

«Туркистон-пресс» маълумоти: Польша Ўзбекистон мустақиллигини биринчилардан бўлиб тан олган давлат ҳисобланади. Жорий йилнинг март ойида икки мамлакат ўртасида дипломатик — муносабатлар ўрнатилганига ўн йил тўлди. Савдо-иқтисодий муносабатлар давлатлараро алоқаларда етакчи рол ўйнайди. Ўзбекистон Польшага газлама, пахта толаси, пахта ип калаваси, ноорганик қимматли маҳсулотлари, ёғ олинмаган уруғларни экспорт қилади. Мамлакатимиз Польшадан шакар ва қандолат маҳсулотлари, механик ускуналар, пластмасса буюмлари, меҳел, қора металл, фармацевтика маҳсулотлари сотиб олади. Бугунги кунда республикада Польша инвесторлари иштирокида барпо этилган 17 та кўша корхона, шунингдек, юз фоз Польша сармояси билан ишлаб қўра 2 та корхона фаолият кўрсатаётган. 2002 йилда Ўзбекистон ва Польша ўртасида товар айланиши 32 миллион АҚШ доллари ташкил этди. Бу йилнинг январь-октябрь ларида ушбу сурат сақланиб қолаётган.

«Туркистон-пресс» маълумоти: Польша Ўзбекистон мустақиллигини биринчилардан бўлиб тан олган давлат ҳисобланади. Жорий йилнинг март ойида икки мамлакат ўртасида дипломатик — муносабатлар ўрнатилганига ўн йил тўлди. Савдо-иқтисодий муносабатлар давлатлараро алоқаларда етакчи рол ўйнайди. Ўзбекистон Польшага газлама, пахта толаси, пахта ип калаваси, ноорганик қимматли маҳсулотлари, ёғ олинмаган уруғларни экспорт қилади. Мамлакатимиз Польшадан шакар ва қандолат маҳсулотлари, механик ускуналар, пластмасса буюмлари, меҳел, қора металл, фармацевтика маҳсулотлари сотиб олади. Бугунги кунда республикада Польша инвесторлари иштирокида барпо этилган 17 та кўша корхона, шунингдек, юз фоз Польша сармояси билан ишлаб қўра 2 та корхона фаолият кўрсатаётган. 2002 йилда Ўзбекистон ва Польша ўртасида товар айланиши 32 миллион АҚШ доллари ташкил этди. Бу йилнинг январь-октябрь ларида ушбу сурат сақланиб қолаётган.

Арафа

СЕССИЯГА ТАЙЁРГАРЛИК

12 декабрда иккинчи қақриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўнинчи сессияси ўз ишини бошлади. Шу муносабат билан сессияга ўз вақтида тайёргарлик кўриш ва уни муваффақиятли ўтказиш бўйича депутатлар ишчи гуруҳи тизилди. Мазкур депутатлар ишчи гуруҳининг биринчи йиғилиши ўтказилди.

Парламентнинг навбатдаги сессияси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясида Президент Ислам Каримов томонидан илгари сурилган дастурга мувофиқ мамлакатимизда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади, — деди йиғилишни олиб борган Республика Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари Б. Бургов. — Бундан ташқари, сессия жамият ва давлат ҳаётининг ҳуқуқий асосига айланган бош қомусимизнинг ўн йиллиги мамлакатда кенг нишонланаётган кунларда бўлиб ўтади. Шу муносабат билан барча тайёргарлик тadbirkорлигини ижтимоий-сиёсий, малакавий ва ташкилий-техникавий жиҳатдан юксак савияда ўтказиш зарур. Депутатлар ишчи гуруҳининг ишчи самарали ташкил қилиш мақсадида унинг таркибига навбатдаги сессияни тайёрлаш ва ўтказиш бўйича турли йўналишлардаги ўрта кичик гуруҳ тизилди. Йиғилишда қўнун ҳужжатлари лойиҳаларини сифатли тайёрлаш, уларни депутатларга ўз вақтида етказиб бериш, киритилган тақлифларни ўрганиш ва ҳисобга олиш ишининг самарадорлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Сессияга тайёргарлик қўришининг бориши ва сессия ишини ОАВда кенг ёритиш, қўнун ижодкорлигида сиёсий партиялар фракцияларининг фаол қатнашишлари зарурлиги таъкидланди.

Ислохот ва самара

МАРДОНА МЕҲНАТ ДУРДОНАСИ

Самарқанд вилояти пахтакорлари 250 минг тонналик хирмон яратиб зафар қўчдилар

Бугун самарқандлик пахтакорларнинг кўси тоғ, қалби гурур-ифтихор туйғулар билан лиммо-лим. Узоқ танаффусдан сўнг ниҳоят, бу йил давлатга пахта сотиш шартнома режаси муваффақиятли ушдаланди. Етиштирилган ҳосил салмоғи ҳам, сифати ҳам ҳар йилгидан бўлакча — соҳадаги барча сарф-харажатларни оқлаб катта даромад келтиришидан дарак бермоқда. Пахтачилик вилоят иқтисодиётида, ҳусусан унинг экспорт салоҳиятини белгилашда муҳим ўрин эгаллашини назарда тутсақ, эришилган натижа ислохотлар ривожига қанчалик чуқур таъсир кўрсатишини англашимиз қийин эмас.

Зорда чинакам шижоат кўрсатишди. Бугун вилоятдаги ўнлаб пахта заводлари тўла қувват билан ишлаётганлиги ана шу ҳамкорлик, сафарбарлик самарасидир. Вилоят оқ олтин хирмони тезроқ қад ростлашдида Нарпай, Пастдаргом, Пахтачи, Жомбой, Оқдарё, Ургут ва Самарқанд туманлари заршунослари айниқса, бараккали улуш қўшдилар. Хусусан, пахтачиликда ўзига хос тахририб мактабини яратган Нарпай туманида 33 минг тоннадан ортиқ ҳосил етиш-

тирилиб юқори сортларга топширилди. Ана шу хом ашёни қабул қилиб қайта ишлаган «Зирабол пахта» акциядорлик корхонаси хорижа етказиб берган толаси учун халқаро Сифат Конвенциясининг «Сифат асри» олтин муқофотида сазовор деб топилди. Шунинг алоҳида таъкидлаш лозимки, пахтачиликдаги юмушлар йил бошидан оқ анжир-хисоб-китоблар, қатъий тартиб ва ушқоқлик асосида олиб борилади. Деҳқонларда меҳнатга рағбат

уйғотиш мақсадида ғўза парварлиши даврида 1 миллион сўм нақд пул иш ҳақи сифатида берилди. Хосилни териб олишда қатнашганларга эса 7 миллион сўм тарқатилди. Бутун мавсум давомида техника, ёнилғи, ўғит таъминотида сира ўзилишига йўл қўйилмади. Бир сўз билан айтганда, Хазрати деҳқон меҳнатига адолат қўзи билан қаради. Унинг дилига қувват, белига мадор бўлиш учун раҳбару мутахассис, ҳашарчи бир сафда туришиди. Мавсумнинг машақ-

қатли синовларини ҳамжиҳатлик билан енгишди. Натижа эса қўтилганидан зиёда бўлди. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра давлатга пахта сотиш шартномавий режаси бажарилишидан 32 миллион сўм даромад қилинмоқда. Бу ўтган йилги кўрсаткичдан деярли икки баробар кўп демакдир. Бошқача айтганда, бозор муносабатлари шароитида пахтачиликнинг рентабелли соҳага айланиши, қишлоқда иқтисодий ислохотларни изчил давом эттириш имкониятилари тўғрисида. Бу натижалар яна шуниси билан аҳамиятлики, Самарқанд меҳнат аҳли вилоят кенгашининг ўтган йилги сессиясида мамлакатимиз Президенти томонидан билдирилган танқидий фикрлардан зарур ҳулосалар чиқармоқдалар. Ҳамма жойда юксак ишчанлик, сафарбарлик муҳитини яратишга интилоқдалар. Демак, сўзи билан иш билан Самарқанднинг иқтисодий салоҳияти янада ортади. Ислохотлар эса инсон манфаатларига хизмат қилаверди.

Зоҳир ТўРАҚУЛОВ,
«Адолат»нинг ўз мухбири.



СУРАТЛАРДА: «Жомбойпахта» акциядорлик жамияти раҳбари Хайитбой Мухаммадиев мутахассислар билан тала сифатини яхшилаш хусусида суҳбатлашмоқда; Самарқанд тумани деҳқончилик саноат уюшмаси раиси

Ахрор Бахронов (чапда) ҳосилни сўнгги мисқолигача ҳес-нобуд қилмай йиғиштириб олиш юзасидан мутахассисларга кўрсатма бермоқда. Муаллиф олган суратлар.

«БОЗОР ФАРОВОНЛИК МАНБАИ ДЕЙМИЗУ...»

(«Адолат» газетаси, 2002 йил, 4 октябрь, № 40)

Газетамизда юқоридаги сарлавҳа остида чоп этилган мақолада Нурота тумани маркази Нурота шаҳрида отарли бозорлар бўлсада, мавжудларини таъмирлаб фаолиятини яхшилаш урнига яна янги қуриллаётгани таъкид қилинган эди.

Биз Навоий вилояти Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи У. Х. Равашановдан ушбу масала юзасидан жавоб олдик. Унда жумладан шундай дейилади:

Навоий вилоят Давлат солиқ бошқармаси ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси «Адолат» газетасида чоп этилган «Бозор фаровонлиги манбаи деймизу...» сарлавҳали мақола Нурота туманида ўрганиб чиқилди. Ҳақиқатдан ҳам Нурота шаҳар ҳудудида ушбу бозор мавжуд бўлиб, туман марказида «Деҳқон бозори» ОТАЖининг филиалини очиб тўғридан Нурота тумани ҳокимининг қарори қабул қилинган. Ушбу бозор асосан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари савдоси билан шугулланишга мўлжалланган бўлиб, 54 ўринли ташкил қилинган. Назоратли ўрганиш даврида 26 киладди. Назоратли ўрганиш қишлоқ нафар фуқаролар турли хилдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари (узум, анор, қармоқ, пийёз, сабзи ва бошқалар) ҳамда тошқа, пийёз, сабзи ва бошқалар) ҳамда сўт маҳсулотлари билан савдо қилиб тур-

ганлари аниқланди. Бозорда турли хилдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан тузлама-салатлар тайёрлаб сотаётган тadbirkор Аслиева Хадича ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан савдо қилаётган бир гуруҳ фуқаролар билан учрашиб, суҳбат қўрилди ҳамда тегишли тушунтириш ишлари олиб борилади.

Жорий йилда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан савдо қилиш учун ҳам 15 нафар тadbirkор Нурота туман Давлат солиқ инспекциясида рўйхатга олинган. Ўтказилган текширишлар даврида 6 ҳолат бўйича қонуний (ҳужжатсиз) равишда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан савдо қилган фуқароларга нисбатан баёнонамалар тузилиб, уларга тегишли аниқлик киритиш ҳамда тегишли қоралар белгилаш мақсадида маҳсулотлари вақтинчалик туман солиқ инспекцияси томонидан олиб қўйилган.

Шунингдек, бозор атрофидаги турғун савдо шаҳобчаларида фаолият юритаётган тadbirkор жисмоний шахслар фаолияти ўрганилди. Ўрганиш даврида тadbirkорларга Ўзбекистон Республикасининг солиққа оид амалдаги қонунлари ва уларни бажариш ҳар бир фуқаронинг бурчи эканлиги тўғрисида тегишли тушунчалар берилди.

ЯНГИ ДОВОН САРИ

... Ва ниҳоят бир неча йилги танаффусдан сўнг Қашқадарь вилояти пахтакорлари шартнома режасини бажардилар. Қабул пунктларига 420 минг тонна юқори сифатли хом ашё етказиб берилди. Ҳар гектар ердан ўртача 30 центнердан ҳосил етиштирилди. Катта меҳнат галабаси муносабати билан мамлакатимиз раҳбари Ислам Каримов қашқадарьликларга йўллаган табриқда «Деҳқончилик учун мураккаб келган жорий йилда қўлга киритилган бу меҳнат галабаси замирида, аввало вилоятда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар самараси, энг асоси қашқадарьлик пахтакорларининг фидокорона меҳнати, изланиши ва ташаббускорлиги фазилатлари муҳассам» дея жуда ажойиб баҳо берди.

Ҳақиқатдан ҳам йил оғир келди. Намғарчилик қўл бўлди. Натижада 40 минг гектар ерга чигит қайта-қайта экилди. Бу табиий равишда ғўза ривожини кечиктирди. Вилоят ҳокимлиги, қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси, тегишли ташкилотлар ўсимлик ривожидидаги қишлоқликни бартараф этишнинг чора-тadbirkорларини ишлаб чиқдилар. Деҳқончилик маданиятини юксалтиришга, ҳар бир агротехника тadbirkорини сифатли бажаришга қатъий эътибор берилди. Мавжуд 170,3 минг гектардаги ғўзани серхосил қилиб ўстириш учун ўсимлик қатор ораларига 9,4 марта ишлов берилди.

Воҳа пахтакорларининг улкан зафарига Китоб, Қарши, Чирчиқ, Қосон, У. Юсупов, Шаҳрисабз ва Яқабоб туманлари заршунослари шартнома режаларини ортиги билан бажариб муносиб ҳисса қўшдилар. У. Юсупов туманида «Жейнов», Қарши туманидаги Я. Омонов номи, «Илақ йўли», Ғўзор туманидаги Оқунбобоев номи, Чирчиқ туманидаги «Бешчашма», «Наврўз», Қосон туманидаги «Гулистон», «Шуқулов», Қасби туманидаги «Пахтакор», Қарши туманидаги «Қодибоғ», Яқабоб туманидаги «Сохибқирон», «Ўзбекистон», Баҳористон туманидаги «Чандир», У. Юсупов туманидаги «Хусан Хўжақулов», «Шерзод», Китоб туманидаги «Истиқлол» ширкат ва Фермер хўжаликлари юқори ҳосилдорликка эришди.

Чирчиқ туманидаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалигида ҳам қўлга киритилган натижалар залворли бўлди. Хўжалик деҳқонлари давлатга шартномадаги 670 ўрнига 1800 тонна «оқ олтин» армуғон етдилар. — Муваффақиятларимизнинг қалити меҳнат-

да, — дейди хўжалик бош иқтисодчиси Рустам Қодиров, — Ерни ўз эгасига бўлиб берганимиз ҳам жуда яхши самара берди. Хосилдорлик ортиб, даромад ҳам шунга яраша кўйилди. Деҳқонларимизнинг ўз ишларидан манфаатдорлиги кўнади. Хали далаларимизда ҳосил чўғи ёмон эмас. Биз ялли хосилдорликни ҳар гектар ер ҳисобига 35 центнерга етказишга ҳаракат қилаёмиз...

Етиштирилган ҳосилни нест-нобуд қилмай йиғиштириб олишда пахтакорларга идора ва ташкилотлар, меҳнат жамоалари, ўқув юртлари ва мактабларнинг беиминат хашарчилари яқиндан ёрдам бермоқда. Ўқув юртлари ўртасидаги муносабатда Шаҳрисабз тиббиёт, қасб-хўна қоллежи, Қарши тиббиёт қасб-хўна қоллежи каби ўнлаб жамоалар пешқадамлик қилишди.

Сохибқирон Амр Темур шаҳри Шаҳрисабзнинг 2700 йиллигини муносиб тўёна билан қарши олган қашқадарьлик пахтакорлар қимматлироқ охиридан мажбурий олиб ишлатмоқдалар. Улар Конституциянинг 10 йиллиги шарофига ялли хирмон салмоғини 500 минг тоннага етказишга бел боғлаган. Шу боис ҳам воҳа пахтакорларида йилгич-терим жадал суруятда давом этамоқда. Барча бир жону бир тан бўлиб сўнгги довон сари интилоқда.

Ҳамид ПИРИМҚУЛОВ,
журналист,
Комил САҲАТОВ,
Ҳазратилла РЎЗИЕВ,
«Адолат» мухбирлари.



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг ҚАРОРИ

Иккинчи қақриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг

ўнинчи сессиясини қақриш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Иккинчи қақриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўнинчи сессияси 2002 йил 12 декабр кўни Тошкент шаҳрида қақрилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ

Тошкент шаҳри,
2002 йил 12 ноябрь

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўнинчи сессияси муҳокамасига қўйидаги масалалар киритилиши назарда тутилмоқда:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йилги Давлат бюджети лойиҳаси тўғрисида.
2. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонун лойиҳаси (биринчи ўқиш).
3. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонун лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқиш).
4. «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонун (янги тахрири) лойиҳаси ҳақида.
5. «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Қучларининг резервларидаги хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонун лойиҳаси ҳақида.
6. «Ахборот эркинлиги принциплари ва қафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонун лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).
7. «Давлат статистикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонун лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).
8. «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонун (янги тахрири) лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқиш).
9. «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонун (янги тахрири) лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).
10. «Жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромадини декларациялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонун лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқиш).
11. «Фуқароларнинг музроаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонун (янги тахрири) лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).
12. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида.

Ушбу масалалар билан бир қаторда депутатлар муҳокамасига тааллуқли бошқа масалалар ҳам киритилиши мўлжалланмоқда.

«Обуна — 2003»

«АДОЛАТ» ЭНГ ЯҚИН ҲАМРОХИМИЗ

дейишмоқда бугун кўпчилик муштарийларимиз

Ҳа, «Адолат» газетасини ўзининг энг яқин ҳамроҳига, дилкаш суҳбатдошига айлантирган муштарийларимиз кам эмас. Улар ҳар йилгидек бажонидил газетамизга обуна бўлишмоқда. Келаси йил ҳам биз билан бирга бўлиб, хилма-хил чиқишларимиздан баҳраманд бўлишнинг қорасини кўриб қўйишди. Шу билан биргаликда турли муассасалар, ҳуқуқ-тартибот идораларининг вақилин, корхона ва ташкилотлар, меҳнат жамоалари «Адолат» газетасига жамоа бўлиб ёзилишмоқда. Бу ҳақда тахриратимизга жойлардан хат-хабарлар, шоянчиномалар келиб турибди. Қўйда уларнинг айримларини эътиборингизга ҳавола этамиз:

ШОШИЛИНЧНОМА

«Адолат» газетаси тахриратига! Самарқанд вилоят Ургут туман прокуратурасининг беш нафар ходими «Адолат» газетасига 2003 йил учун обуна бўлди.

З. МУХТОРОВ,

Ургут тумани прокурори, адлия маслаҳатчиси.

ШОШИЛИНЧНОМА

«Адолат» газетаси тахриратига! Термиз шаҳар Давлат солиқ инспекцияси ходимларидан 50 киши «Адолат» газетасига 2003 йил учун обуна бўлганлигини маълум қиламиз.

Қурбон ШОНАЗАРОВ,

Термиз шаҳар Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи.

Уйлаймизки, бу ташаббус бошқа жойларда ҳам кенг қўлчан бўлсин. Газетамиз саҳифаланаётганда яна бир хушхабар олди. Қашқадарь вилоятидаги «Қосонғизэкстракция» очик хиссалдорлик жамиятининг 100 нафар ишчи-хизматчиси «Адолат»га обуна бўлишди. Буни ҳар қанча қўтласа бўлади. Маъмурийнинг эътибори билан энди бу жамоадгилар ҳам ишлаб, ҳам газетга ўқишади. Бу ҳам албатта ҳаётнинг қадрига етдирилганларнинг иши.

ТАХРИРИЯТ.

Азиз муштарий! «Адолат»га 2003 йил учун обуна давом этмоқда. Армонда қолманг! У Сизга энг яхши сўнгики, энг яқин ҳамроҳ, энг яхши қўмақдошингиз бўлиб қолади.

ОБУНА БАҲОСИ:
Якка тартибдаги обуначилар учун:
Олти ойга — 5970 сўм.
Бир йилга — 11940 сўм.
Корхона ва ташкилотлар учун:
Олти ойга — 6360 сўм.
Бир йилга — 12720 сўм.
Нашр қўрсаткичи — 100

Эслатма: вилоятларда газетани етказиб бериш ҳисобига обуна баҳоси бир мунча фарқ қилиши мумкин. Шоянчи: 2003 йилда биз билан бирга бўлинг!

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 10 йиллигига ИНСОН ХУҚУҚЛАРИ КАФОЛАТИ

«Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир».



Маълумки, шахснинг ҳуқуқий ҳолати унга табиий мезонга асосланган бўлсагина, у демократия тамойилларига жавоб беради. Бу мезонлар инсоннинг яшаш ҳуқуқи, озодлик ва тенглик бўлиб, улар 1948 йили Бирлашган Миллатлар Ташкилоти

томонидан қабул қилинган. Шу йўл билан инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида белгилаб қўйилган. Демак, инсоният бу мезонларнинг барча учун умумий баробарлигини эътироф этиш сари узок ва машаққатли йўлни босиб ўтади.

Инсон деган тушунчанинг ўзи биологик нукта-назардан эмас, сиёсий жиҳатдан тор доирадаги кишиларнинг имтиёзидан ҳамма кишиларнинг қамраб олувиши умумий тушунчага айланганча қанчадан қанча инқилоблару тўнтаришлар юз берди.

Яшаш ҳуқуқи, озодлик ва тинчлик каби тушунчалар ҳамма асрлар давомида тор доирадаги кишиларнинг имтиёзлари бўлиб келган.

Ҳозирга келиб, дунёнинг қатор демократик давлатлари конституцияларидан ушбу мезонлар алоҳида ўрин олган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасида ҳам фуқароларнинг ҳуқуқи ва эркинликлари борасида Конституциямиз инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг барча асосий ғоя ва қоидаларини ўзига сингирган. Конституциянинг VII боби «Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар» деб аталиб, «Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир», деган 24-модда билан белгиланади. Дарҳақиқат, ҳар бир кишининг ҳаёти бу – тақдорларнинг ҳодиса, табиатнинг буюк неъматидир. Шу сабабли давлатнинг энг асосий вазифаларидан бири ўз фуқаролари ҳаётини муҳофаза қилишдир.

Зеро, ҳуқуқий давлатда инсоннинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият сифатида эътироф этилади. Ва бир қатор қонунлар орқали ҳимоя қилинади. Бундай ҳуқуқларга яшаш ҳуқуқидан ташқари шахсий дахлсизлик, қонунсиз ҳибсга олмаслик ва жазоланмаслик, таъзияга дучор этилмаслик ҳуқуқлари, шахсий дахлсизлик ва бошқалар кирди. Улар тарихда сингалган умуминсоний қадриятлар ҳисобланиб, биринчидан энг ривожланган, тараққиёт этган давлатларнинг ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти қуриш йўлидаги узок таърибасига асосланган.

Иккинчидан, шаклланган миллий тафаккурни, муқаддас исломий қадриятларни ҳам ўзида акс эттирди. Ўзбекистон Конституциясида халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоида-

лари устунигини тан олган, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишга интилаётган Ўзбекистон учун ҳам юқоридаги демократик ҳуқуқларни ҳаётига тадбиқ этиш жамият ривожланишининг муҳим шарти ҳисобланади. Юқорида айтганимиздек, бу ҳуқуқларни амалга ошириш жараёни турли қонунлар орқали амалга оширилади ҳамда давлат ва фуқароларнинг ўзаро мажбуриятлари тизимида акс этади.

Масалан, яшаш ҳуқуқини амалга ошириш бўйича давлатнинг мажбуриятлари:

- Халқаро можораларни ҳал этишнинг воситаси сифатида урушдан воз кечиш ва бошқа давлатлар ўртасидаги урушларда қатнашмаслик;
- Фуқароларга нисбатан ўлим жазосини истисно тарихасида қўллаш;
- Ўқ отиш қуролларидан фойдаланишнинг алоҳида тартибини ўрнатиш;
- Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш;
- Малакали тиббий хизматдан фойдаланиши таъминлаш қабилар қиради.

Бундан ташқари халқимизнинг удумларидан ва мамлакатимиздаги демократик ҳолатдан келиб чиқиб, Ўзбекистон Конституцияси ва қонунларида пенсиядаги кишилар, нафақахўрлар, ижтимоий ёрдамга муҳтож бошқа қатламларнинг ҳуқуқлари алоҳида муҳофаза қилинган. Фуқароларнинг Конституцияда белгилаб қўйилган бурчлари ҳам юқоридаги ҳуқуқларни амалга оширишга қаратилган.

Уларга:

- Конституция ва қонунларга риоя этиш;
- Бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш;
- Атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш мажбуриятлари ҳамда ватанни – Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш бурчи қиради.

Конституция ва қонунларда ўрнатилган мажбурият ва бурчларнинг ҳамма давлат, ҳамда фуқаролар томонидан бажарилиши фуқаролар ҳуқуқларининг тўлиқ таъминланишини кафолатлайди. Қонунларнинг бажарилиши давлат томонидан ўз ташкилотлари орқали назорат қилинса, фуқаролар бундай Конституцион ҳуқуққа эгадирлар, яъни Ўзбекистон Конституциясининг 44-моддасида «Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади», – дейилган.

Бу судларнинг мустақиллиги таъминланган давлатда фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг амалдаги таъсирчан йўлидир.

**Жамшид ЭРҒАШЕВ,
Жаҳонгир ЭРҒАШЕВ,
Тошкент вилояти Давлат педагогика институтини ўқитувчилари.**

ЭЛ СОҒЛИГИ – ЮРТ БОЙЛИГИ

«Ҳар бир инсон маънавий жиҳатдан фойдаланиш ҳуқуқига эга».



Маълумки, ҳадемай Асосий Қонунимиз бўлган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилинган 10 йил тўлади. Гарчанд бу давр тарих учун қисқа вақт бўлсада, халқимиз ҳаётида муҳим из қолдирди. Бош Қонунимизга мувофиқ мамлакатимизда кескин ўзгаришлар амалга оширилди. Қонунчилик мустаҳкамланди. Фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари қонун билан муҳофаза қилинди. Уларнинг энг асосий конституциявий ҳуқуқларидан бири – тиббий хизматдан фойдаланишдир. Бугунги кунда Республикаимизнинг ҳар бир фуқароси бу ҳуқуқдан тўла фойдаланадими. Яъни, Конституцияда белгилаб қўйилган ҳуқуқини амалга ошириш йўли билан давлат, хусусий ва бошқа хил соғлиқни сақлаш тизимларининг қороналари, муассасалари ва ташкилотларида ўз соғлигини қайта тикламоқда.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, фуқароларнинг соғлигини муҳофаза қилиш бугунги кунда давлатимизнинг бош мақсадларидан биридир. Шу сабабли 1996 йил 29 августда Конституцияга мувофиқ «Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Ушбу қонунда давлат бюджетидан ҳисобидан таъминланган давлат соғлиқни сақлаш тизимининг даволаш-профилактика мутахассисларининг аҳолига бепул тиб-

бий хизмат кўрсатиши белгилаб қўйилган. Фуқаролар соғлигини сақлашда тиббиёт соҳасининг хусусий ва бошқа хил тизимлари бугунги кунда муҳим роль ўйнаётганлигини алоҳида қайд этиш лозим. Чунки ушбу масканларда фуқаролар учун барча шарт-шароитлар мавжуд.

Соғлиқни сақлаш соҳасида фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини камситувчи давлат органлари ва ҳамда мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари устидан фуқароларнинг шикоят қилиш ҳуқуқлари ҳам мазкур қонунда белгиланган. Унда шунингдек, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг амалдаги қонунларда белгиланган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини камситувчи хатти-ҳаракатлари устидан юқори давлат органларига ёки судга шикоят қилишлари мумкинлиги қўрсатиб ўтилган. Жумладан, бундай ҳаракатлар учун жавобгарлик «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги Кодекснинг қатор моддаларида белгилаб қўйилган. Бу ҳам фуқароларнинг ҳуқуқларини камситишга йўл қўймайди қаратилган конституциявий кафолатдир.

Шу тариқа фуқаролар Конституцияда белгиланган тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқларини амалга оширадилар. Бу эса ўз навбатида фуқароларнинг соғлом бўлишини кафолатлайди. Бундан биз «Эл соғлиги – юрт бойлиги» деган гапнинг бежиз айтилмаганлигини ҳам англаймиз.

**Темур МҲМИНОВ,
хукукшунос-ўқитувчи.**

Зафар қайд гувоҳномасини олаётган пайтда унга янги очилган ошхонада иш юритиш тартиби, тўланадиган солиқ турлари ва мажбурий тўловлар, назорат касса машинаси ҳақида тўла тушунча берилган эди. Лекин бу гапларнинг ўнги қўлоғидан кириб чап қўлоғидан чиқиб кетган экан. Сиб тумани Давлат солиқ инспекцияси ходимлари орадан олти ой ўтгач Зафар Бобоев очган ошхонада солиқ қонунчилигига қандай амал қилинаётганлигини текшириб бунга тўла ишонч ҳосил қилдилар.

Ошхонада шу қўнғача назорат касса машинаси ўрнатилмаган эди. Қанча тушум тўлаяпти, унинг қанчаси банкка топширилаяпти – бунга Зафарнинг ўзи ҳам аниқ билмасди. Фақат қўраларни тўлдириб дўканоқ сотиш ва тушган пулни кассага ўриш билан банд эди у. Бунинг устига ошхонанинг бир чеккасида спиртли ичимликлар билан савдо қилувчи дўканча ҳам очиб қўйилди. Дўканча ҳеч қаерда рўйхатга олинмаган, махсус лицензияга эга эмасди. Солиқчилар пештахтага қўйилган ҳужжатсиз арок ва вионаларни бирма-бир санаб чиқдилар. 101 шиша акциз маркаси, 27 шиша акциз маркали «Ўзбекистон» ароғи сотува қўйилган экан. Уларнинг жами суммаси 179 минг сўмдан кам эмасди. Ноқонуний ичимликларнинг ҳаммаси далилий ашё сифатида олинди. Ҳуқуқбузар қабоб-пазга нисбатан эса жиноят иши қўзғатилди.

Жомбой туман Давлат солиқ инспекцияси ходимлари текширувдан ўтказган «Умид» хиссдорлик жамиятида ҳам бир қатор қонунбузарлик ҳолатлари фойдаланишда. Текширув давомида қорхонанинг собиқ бошлиғи Аслидин Уринбоев ва собиқ бош бухгалтер Жамила Қодирова қорхонанинг ҳозирги раҳбари Хасан Холмиров ва бош бухгалтер Гулзода Аввалбоев билан жиноий тил бириктирган ҳолда 170 минг сўмлик пул маблағларини талон-тарож қилишганлиги маълум бўлди.

Когон шаҳар «Саховат» хиссдорлик жамияти бозори кўздан кечирилганда бу ерда яширин новвойхона фаолият кўрсатаётганлиги маълум бўлди. Сохта тадбиркор Абдурахим Рашидов ўғилларини ёнига олиб Қозғистондан келтирилган ҳужжатсиз ундан нон ёпишни кенг йўлга қўйиб юборган экан. Текширув ўтказилган кун ичрадан у қоп Қозғистон уни, бир неча қоп Ўзбекистон уни, сотува тахт қилиб қўйилган 300 буханка нон, 144 та нон қолипи, жами

гойиб бўлди. Дори-дармонлар эгасиз товар сифатида расмийлаштирилиб вақтинча сақлаш учун «Бухоридори-дармон» қорхонасига топширилди. Ҳозир вилоят прокуратураси ҳузуридаги солиққа оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаси суриштирув ишларини олиб борапти.

Сертификатсиз, ҳисоб фактурасиз олиб келинаётган 546 суоллар сотувдан тўхтатилди. Ҳисоб фактураси ва божхона тўловларини тўлаганини тўғрисида ҳужжати бўлмаган махсулотларни яширинча савдога чиқараётган сохта тадбиркорлар Қорақалпоғистонда ҳам тез-тез учраб турибди. Яқинда Амударё тумани Давлат солиқ инспекцияси ходимлари «Қипчоқ» пантон кўпригида ЛАЗ 23 А 72-83 давлат белгилли автомашинани текширувдан ўтказганларида тадбиркор сифатида рўйхатга олинмаган фуқаро Умида Мадаминова ҳисоб фактураси бўлмаган, божхона тўловлари тўланмаган 4 миллион сўмликдан кўпроқ озиқ-овқат махсулотлари билан қўлга тушди. Сохта тадбиркор бу махсулотларни яширинча йўллар билан сотиш учун Беруний шаҳрига олиб кетаётган экан. Ушбу ҳолат юзасидан дарҳол суриштирув ишлари бошланди.

ЎРГАНГАН КҮНГИЛ

85.6 минг сўмлик хомашё ва ускуналар далилий ашё сифатида олинди.

Ургандан Бухоро вилояти орқали Деновга қатновчи автобус юкхонаси кўздан кечирилганда яна бир қонунбузарлик ҳолати маълум бўлди. Солиқ хизмати ходимлари юкхонага жойланган юкларни бирма-бир кўздан кечираётган 96 та картон қутига дуч келдилар. Уларга 55 турдаги 7 миллион 212 минг сўмлик дори-дармон жойланган экан. Уни Тожикистон фуқароси Ражабали Бегматов устама нархларда пуллаш учун Деновга олиб кетаётган эди. Дастлабки савол-жавоблардан сўнг Ражабали ниманидир баҳона қилиб йўқ бўлиб қолди. Чамаси, ноқонуний иш қилаётганини ўзи ҳам билди шекилли, қаёққадир

минг сўмлик Туркия пойафзалли, Индонезияда ишлаб чиқарилган ҳужжатсиз 516 минг сўмлик автошиналар ҳам шу кунги қўлга олинди. Сохта тижоратчилар Эзир Қаландаров ва Мамаширф Шарипов амалдаги қонун-қоидаларга зид иш қилганликларини энди англаб етдилар.

Вилоят солиқ тизими ходимлари кейинги ойларида 200 дан ортиқ шундай қонунбузарлик ҳолатларини аниқлаб тегишли чораларни кўрдилар. Рейд ва текширувлар жараёнида 2 миллион 420.5 минг сўмлик акциз маркаси тамаки махсулотлари, салкам 2 миллион сўмлик спиртли ичимликлар, ярим миллион сўмликдан кўпроқ ҳужжатсиз озиқ-овқат махсулотлари ва 86 миллион сўмлик бошқа хил мах-

Жасур НОСИРОВ,
Давлат солиқ қўмитаси матбуот хизмати бош мутахассиси.

БОЖХОНА БЕКАТИ ВАТАН ОСТАНАСИ ИШОНЧЛИ ҚҲЛЛАРДА

Чегара – бу Ватан остонаси. Ҳар бир остонанинг эса ўз қўриқчилари, ўз назоратчилари бўлади. Қўриқчилар мамлакат ҳудудига кириб келаяпти юклар чикиб кетаётганлигини синчиклаб кузатсалар, назоратчи-божхона ходимлари чегарани кесиб ўтаётганлар юртимизга нималар олиб киришяпти ва нималарни олиб чиқиб кетаётганлигини текширадилар.



Мустақил божхона тизими республикамизда суверенитетнинг асосий белгилари билан бири бўлиб, мамлакатимизнинг иқтисодий ва айнан шу иқтисодини мустаҳкамлашга қатъия қўйилган асосий бўғинлардан биридир.

Ўзбекистоннинг Туркменистон Республикаси билан чегарадош Олоқ туманидаги «Олоқ» божхона назорат мажмуи бундан бир неча йил муқаддам ишга туширилган эди. Тўла автоматлаштирилган, замонавий техника ва жиҳозлар билан таъминланган ушбу мажмуани республикамизнинг жа-


ҳонинг ўнлаб мамлакатлари билан боғлаб турадиган муҳим артериал қон томирига қиёс қилиш мумкин.

Рақамлар зерикариш нарса, лекин айнан улар амалга оширилган ва оширилмаётган залворли ишлар саломини бутун салобати билан қўз олдимизга келтиришнинг учун имкон яратди.

Фақат шу йилнинг ўтган 9 ойи мобайнидагина божхонамиз мажмуи орқали 13983 та автотранспорт воситалари назоратдан ўтказилди, дейди мажмуа бошлиғи, божхона хизмати майори Шоназар Ондаев, – улардан 7047 таси республикамизга кириб келган бўлса, 6936 таси чиқиб кет-

лаётган ва транзит ҳолида олиб ўтилаётган акцизлы товарлар ҳисобига 158 миллион сўмга яқин бож йиғилмаган, шунингдек, транспорт воситалари ҳақиқий вақтинча ружаст этилган вақтдан ортиқча чалиги ҳисобига деярли 36 миллион сўм миқдоридики қўшимча йўғим тушди. Мамлакатимиз ҳудудига ноқонуний олиб кирилатилган 9175 АҚШ доллари давлат фойдасига мусодара қилинди.

Божхона мажмуи ходимлари ўз постларида туну ҳушёр турадилар. Ўтган давр мобайнида мамлакатимиз ҳудудига ўринча йўллар билан ноқонуний товарлар, айниқса, наркотик моддалар



олиб кирилишининг олдини олиш бўйича ҳам бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Бир неча қонунбузарнинг иши ҳуқуқ-тартибот органлари ихтиёрига топширилди.

Истибод йилларида бундай йирик божхона мажмуига раҳбарлик қилиш маҳаллий миллат вакилларига ишониб топширилмаслиги ҳаммаимизга яхши маълум. Ҳозир эса аҳвол бутунлай бошқача. Мажмуа раҳбари Шоназар Ондаев Жондор туманининг фарзанди. У ўзининг фидойилиги, меҳнат-севарлиги, синчковлиги билан вилоят божхона ходимлари орасида ажралиб туради. Унинг кўп остида ишлабдиган йигитлардан К. Фозилов, Э. Худойбердиев, Н. Ёмгиров ва бошқалар ҳам маҳаллий миллат фарзандлари бўлиб, фи-

доийлик ва синчковликда намуна бўлаётдилар.

Биз бу ерда бўлиб, Ватанимиз остонаси назоратчилари ўз постларида ҳушёр турганликларини кўрдик ва бундан қалбимиз ғурур ҳиссига тўлди.

**Қодиржон СОБИРОВ,
СУРАТЛАРДА: 1. Божхона ходимлари (чапдан) Иштиёр Каримов ҳамда Рашид Назаровлар чегарадан ўтаётган фуқароларнинг ҳужжатларини текширишаётган. 2. Мажмуа раҳбари Шоназар Ондаев видеокузатув монитори орқали мажмуадаги вазият билан танишмоқда ва ходим Акрам Хайиталиевга топшириқ беришмоқда.**

Муаллиф олган суратлар.

Кузга чақирув қандай ўтмоқда?

АРМИЯГА ЧИНИҚҚАН ЁШЛАР КЕРАК

Юртбошимиз раҳбарлиги ва ғамхўрлиги туфайли мамлакатимизнинг дахлсизлигини сақлаш, эл-юрт-тимизнинг осуда ҳаётини йиғиштириш ҳимоя қилишга қодир, замонавий қурол-аслаҳа ва техника билан таъминланган, бугунги кун талабига тўлиқ жавоб берадиган армияни явулда келтириш борасида қатъия амалий ишлар олиб боришмоқда. Тамоман янги, профессионал асосдаги, ўзида мардлик, матонат ва фидойийлик фазилатларини муҳасаммалаштирган, ўз Ватани олдидagi бурчи ва қасамидига содиқ фуқаролардан ташкил топадиган армияни барпо этиш Президентимизнинг диққат марказида тургани бу ва-зифанинг нақадар муҳим ва маъсулиятли эканлигини кўрсатиб турибди.

Маҳкамасининг «Ҳарбий ва муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган шахсларни Қуролли Кучлар сафларидан захирараги бўлаётган ҳарбий ва муқобил хизматга навабдаги чақирив тўғрисида»ги қарорига асосан кузги чақирув ўтказилмоқда. Туман мудофиа ишлари бўлими туман хокимининг 2002 йил 26 сентябрдаги 625-сонли қарорини амалга ошира бориб, чақирув маскандаги ҳарбий хизматга қақирилиши зарур бўлган қақирилувчиларни тиббий қуридан ўтказмоқда.

Туман хокимининг ўринбосари Ф. Мирзахонов раислигида, марказий шифохона, ички ишлар бўлими, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими, халқ таълими бўлимининг маълум ходимлари ва мутахассислари билан иборат қақирив комиссиясининг самарали ишлаши учун барча шарт-шароитлар яратилган. Марказий шифохона томонидан қақирив участкаси зарур тиббиёт асбоб-жомлари ва бўюмлари, дори-дармонлар билан таъминланган бўлиб, қақирилувчиларнинг турли ихтисослиқдаги юқори малакали врачлар томонидан тиббий текшириб қўрилиши ташкил этилди. Шунинг ҳам айтмоқчимизки, шаҳарча ва йилмоқ фуқаролар йиғинлари томонидан хизматга юборилган ҳар бир чақирилувчида соғва ташкил этилиб, топширилганлиги ёшларимизга юрсатилаётган ғамхўрликнинг яна бир ифодасидир.

Бугунги кунда Ватанимиз ҳимоячилари сафига янзаб туманимиз ёшлари ўз хизмат бурчларини ўтмоқдалар. Варзакли Аҳмажон Латипов, Бирликдан Акмал Хайдаров, найманлик Улугбек Мамадов, кумарлик Илҳомжон Исмомов, Толибжон Аҳмадалиев каби қўлаб йигитларимиз ҳарбий бўлиналарда хизматини намунали ўташга интилаётганликлари, жанговар қурол ва ҳарбий техникани бошқаришда, ҳарбий билим асослари ва малакасини чукүрроқ эгаллашда хизматдошларига ўрнак бўлаётганини эшитиш биз учун ҳам, ота-оналар учун ҳам мароқлидир. Ақмал Абдуллаев, Ойбек Раҳимов, Шерзод Абдулломонов, Давлат Юнусов сингари ўнлаб ёшлар эса ўз ҳаётларини армия билан боғлаб шартнома асосида сиқидилган хизмат қилмоқдалар.

Шунингдек, Қуролли Кучлар учун мутахассислар тайёрлаш ҳам муҳим ишлардан ҳисобланади. Ҳарбий хизматга қақиралаётган ёшлар орасида ҳайдовчилик ва радиотелеграфчи мутахассислигини эгаллаган ёшлар оз эмас. Бу сақлар уларга армиядагина эмас, балки кейинги ҳаётларида ҳам ақсотиши турган гап. Шунинг учун ҳам ВС тоифадаги ҳайдовчи ва радиотелеграфчи мутахассислигини эгалламоқчи бўлган ёшлар ҳозирда тиббиёт қўриғидан ўтказилишини маълум қилмоқчимиз.

Ҳарбий хизмат – муқаддас бурч. Президентимизнинг ибораси билан айтганда, воғға этган ҳар бир йигит, ҳар бир фуқаро учун Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилиш ўз Конституцион бурчини шунчаки адо этишдан иборат бўлмасдан, балки ҳарбий хизмат унинг учун нуфузли ва шарафли бир ишга айланиши зарур. Ишончимиз комилки, тош-лоқлик ёшлар ана шу шарафли ишчи, муқаддас бурчининг ижодан адо этидиган, биз уларга Ватан учун ҳимояда маҳкам туринг, йигитлар, деймиз.

**А. АХМАДАЛИЕВ,
Фаргона вилояти Тошқот тумани Мудофиа ишлари бўлими бошлиғи, майор.**

Босишга топширилди 20.00